



МАХСУС КИЙИМГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОЛОВБАРДОШ МАТОЛАР УЧУН ИП ОЛИШ ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ

Докторант. Я.И.Сирожиддинова,
Проф С.А.Хамраева
(PhD) М.Ш.Ҳақимова,
Проф А.С.Рафиқов
Тошкент тўқимачилик ва енгил
саноат институти

Аннотация. Ушбу мақолада тўқимачилик оловбардош матога мўлжалланган ипларнинг оловбардошлик хусусиятини оширишда эмулсияланган ва эмулсияланмаган турли тола таркибли ипларнинг хоссалари кўрсаткичларининг таққосий натижалари келтирилган.

Калит сўзи: танда ва арқоқ ипи, эмулсия, пахта ва хризотил толаси, ипларнинг оловбардошлилиги.



Тадқиқот қисми: Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласига долзарб вазифа сифатида қаралиб, шу даврга қадар қатор ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ушбу соҳанинг ҳуқуқий баъзасини замон талаби асосида ташкил этиш, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалда унинг асосларини таъминлаган ҳолда, ёнғинни келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, уларни бартараф этишга қаратилган чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёнғин хавфсизлигини таъминлаган давлатгина бу соҳа фаолиятида маълум ютуқларга эришиши мумкин. Ҳозирги кунда соҳа эгаларининг хизмат вазифаларини ўташ чоғида учрайдиган муоммоларни бартараф этиш устида кўпгина илмий ишлар олиб борилмоқда.

Оловбардош матолар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, шу билан бирга толали материаллар ва ёнғиндан ҳимояловчи инсон соғлиги ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш хусусияти билан баҳоланади. Ўт ўчирувчи ходимларининг махсус кийими учун мўлжалланган оловбардош матолар Россия ва Хитой мамлакатларидан олиб келинмоқда. Бундай матоларнинг сиртида оловбардош кимёвий ишлов бериш йўли орқали ишлаб чиқарилган бўлиб, гигиеник, физик-механик хоссалари талабларига жавоб бермайди. Бу матолардан тикилган махсус кийимлардан фойдаланиш ўт ўчирувчи ходимларнинг тезкор ҳаракатига салбий таъсир этиши кузатилмоқда. Четдан олиб келинаётган матолар аниқ хусусиятга эга эмаслиги билан бирга, ўт ўчирувчи ходимларнинг махсус кийимларининг ҳаво ўтказувчанлиги паст эканлиги ҳамда соҳа ходимларининг тезкор ёрдам кўрсатиш ҳаракатига мос





холда қулайликларга эга бўлмаганлиги аниқланган. Натижада ўт ўчирувчи ходимларда асаб ва тери касалликларнинг келиб чиқиш ҳоллари кузатилмоқда.

Тадқиқот объекти сифатида хризотил ва пахта тола таркибли ип, физик-механик хоссаларини аниқлаш учун замонавий асбоб-ускуналар, матонинг оловбардошлигини аниқлашда ГП-2000 асбоби танланди.



7-расм. Дастлабки
эмулсияланмаган арқоқ ипи

8-расм. Такрорий
эмулсияланган арқоқ ипи



9-расм. Дастлабки эмулсияланмаган
танда ипи

10-расм. Такрорий
эмулсияланган танда ипи

эмулсияланмаган ипнинг кўрсаткичлари

1-жадвал

Кўрсаткичлар номи	35%пахта ва 65% хризотил	30%пахта ва 70% хризотил	25% пахта ва 75% хризотил
<i>Чизиқий зичлиги tex</i>	60,0	60.0	60,0
<i>Узилишдаги узайиши %</i>	4,97	4.89	4,54



Узилиш кучи cN	542,1	485,90	384,06
Солиштирма узиш кучи cN/tex	8,93	8,11	6,40


эмулсияланган ипнинг кўрсаткичлари

2-жадвал

Кўрсаткичлар номи	35%пахта ва 65% хризотил	30%пахта ва 70% хризотил	25% пахта ва75% хризотил
Чизиқий зичлиги tex	60,0	60,0	60,0
Узилишдаги узайиши %	4,97	4,89	4,54
Узилиш кучи cN	568,0	503,6	420,5
Солиштирма узиш кучи cN/tex	9,35	8,3	6,9


ипларнинг синов натижалари “Ўзбек&Турк тест маркази” лабораториясида аниқланди.

Турли тола таркибли ипларнинг узилиш кучининг ўзгариши



- эмулсияланган; ▨ -эмулсияланмаган

Турли тола таркибли ипларнинг солиштирма узилиш кучининг ўзгариши



▣ - эмулсияланган; ▨ - эмулсияланмаган

Хулоса; Ўт ўчирувчи ходимларнинг кийимиغا мўлжалланган мато учун оловбардош ипларнинг хоссаларини ошириш мақсадида ипларнинг аралаш таркибли улуши танланганлиги ва унга мос равишда охор таркибини ишлаб чиқилганлиги, ундан оловбардош мато олиниши учун матонинг оловбардош хусусиятини аниқлаш усулини такомиллаштиришни тақоза этади. Эмулсияга тўйинтирилган ипдан физик-механик хусусиятлари яхшиланган мато олиш ва оловга чидамлилигини ошириш эришиш билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хамраева С. проф., Сирожиддинова Я. докторант, Хидоятлов О.Ш. начальник лаборатории «Исследование огнестойких свойств тканей на соответствие требованиям УзДСт 3191:2017 «Техника пожарная специальная защитная одежда пожарного общие технические требования и методы испытаний». УО «ВГТУ», Витебск 27.04.2022. 287-291 ст
2. («Ткани для специальной одежды. Общие технические требования. Методы испытаний») номи Давлатлараро стандарт ГОСТ 11209-2014.
3. Khamroeva S.A., Sirojiddinova Y.I. "At-2 Assessment of the refractory nature of asbestos and cotton yarn and fabric" "Collection of articles of the Scientific Practical Conference of Textile Workers of Uzbekistan." Tashkent, April TTESI, 2021, 04
4. Ruzikulova, D., & Muminov, D. (2022). Insurance Technical Risks And Challenges Of Their Development. Women's Health Medicine, 18(1).
5. ГОСТ 12.1.004-01 «Пожарные безопасности»